

«Йўл ҳаракати фикҳи, шаръий ҳукм ва одоблар» китобининг тақдимоти ўтказилади



09:58 / 11.01.2022 1639

Бугун, 11 январь куни Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг мажлислар залида Қуръон ходими, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-ноиб, воиз Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид қаламига мансуб **«Йўл ҳаракати фикҳи, шаръий ҳукм ва одоблар»** китобининг таништирув тақдимоти бўлиб ўтади.

Тақдимот давомида йўл ҳаракати фикҳига оид муҳим мавзулар, бугунги кунимизда ушбу китобнинг нечоғли зарур эканлиги каби маълумотлар тақдим этилади.

Эслатиб ўтамыз, китоб муаллифи юртимизда биринчилардан бўлиб долзарб мавзуга илмий ёндашган аҳли илмлардан ҳисобланади.

Китоб тақдимоти соат 10:00 да бошланади.

Манзил: Ўзбекистон мусулмонлари идораси мажлислар зали.

Мўлжал: Тошкент шаҳар «Ҳазрати имом» жомеъ масжиди (Хаста имом).